Oʻzbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
HOKIMI

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
ҲОКИМИ

# QAROR

2010 yil « 1 » март № 38-Қ

**Жанубий-Ғарбий магистрал электр тармоқларининг “Суғдиёна-Толимаржон” иссиқлик электр станцияси учун ҳаво электр тармоғини қуриш мақсадида ер майдонини ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 июлдаги 197-сонли қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,23-моддаларига асосан Ўзбекистон электр тармоқлар унитар корхонасининг Жанубий-Ғарбий магистрал электр тармоқларига “Суғдиёна-Толимаржон” иссиқлик электр станцияси учун 500 кВ қувватли ҳаво электр тармоғини қуриш мақсадида ер майдонини ажратиш тўғрисида қабул қилинган Ургут тумани ҳокимининг 2010 йил 12 февралдаги 55-Қ сонли, Самарқанд тумани ҳокимининг 2010 йил 13 январдаги 49-Қ сонли, Нуробод тумани ҳокимининг 2010 йил 16 февралдаги 190-Қ сонли қарорлари ҳамда вилоят туманларида ер участкасини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят ҳокимлиги комиссиясининг 2010 йил 1 мартдаги 03/2-223-сонли йиғилиш баёнига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш буйича вилоят ҳокимлиги комиссиясининг 2010 йил 1 мартдаги 03/2-223-сонли йиғилиш баёни иловага асосан тасдиқлансин.

2. Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси (М. Рустамов) ва вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (И.Хамраев) га ушбу йиғилиш баёни иловасида кўрсатилган хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, сотиш ҳажмлари, экинларни жойлаштириш ва ер тўғрисидаги ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Нурқулов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими** **Ў.Барноев**